



ЖАННА Д' АРК АСАРИДАГИ ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ

Комилова Севинч Икромовна

Низомий номидаги Ўзбекистон миллий
педагогика университети талабаси

Аннотация: Мақолада Марк Твеннинг “Жанна д’ Арк” романидаги ҳар тарихий шахслар образларининг типологик ҳодиса эканлигига эътибор қаратилган бўлиб, ҳар бир тарихий воқеа ва шахсларга янгича бадиий-эстетик юклама қўйганлигига эътибор қаратилган. Шунингдек, романдаги психологик вазиятлар ва ундаги образлар тизими таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: ички олам, рухий кечинма, мимика, психология, персонаж, унсур, ички нутқ, қаҳрамон, идрок, онг.

Аннотация: В статье акцентируется внимание на том, что образы каждой исторической личности в романе Марка Твена «Жанна д’Арк» представляют собой типологическое явление, и подчеркивается, что каждое историческое событие и личность несут в себе новую художественно-эстетическую нагрузку. Также представлен анализ психологических ситуаций и системы образов в романе.

Ключевые слова: внутренний мир, психический опыт, мимика, психология, характер, стихия, внутренняя речь, характер, восприятие, сознание.

Abstract: The article focuses on the fact that the images of each historical figure in Mark Twain's novel "Joan of Arc" represent a typological phenomenon, and emphasizes that each historical event and figure carry a new artistic and aesthetic load. An analysis of psychological situations and the system of images in the novel is also presented.



Key words: inner world, mental experience, facial expressions, psychology, character, elements, inner speech, character, perception, consciousness.

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар асосида бадиий тил ётади. Ёзувчи тил ёрдамида маълум бир ўзи тасвирлаётган инсон, маълум бир замон, давр образини яратади. Асардаги воқеалар қаҳрамон-инсон ички олами, руҳияти орқали тасвир майдонига айланади. “Хуллас, романда ёзувчи учун ички дунёнинг – руҳнинг кечинмаларини ташқи қиёфа, ҳолат ва хатти-ҳаракатларда кўринишини тасвирлаш, яъни динамик принцип асосий мезондир”. Шу маънода Марк Твен ҳам “Жанна д’Арк” романидаги ҳар бир персонажнинг ташқи қиёфаси, юз тузилиши, мимикалари, энг муҳими нутқи орқали уларнинг ички оламини, психологиясини очиб беришга интилади.

Масалан, қуйидаги парчада ровий шаҳзода ва унинг аъёнлари руҳиятини очиб берган: When Joan told the King what that deep secret was that was torturing his heart, his doubts were cleared away; he believed she was sent of God, and if he had been let alone he would have set her upon her great mission at once. But he was not let alone. Tremouille and the holy fox of Rheims knew their man. All they needed to say was this-and they said it: "Your Highness says her Voices have revealed to you, by her mouth, a secret known only to yourself and God. How can you know that her Voices are not of Satan, and she his mouthpiece?" (Жанна бўлажак қиролга унинг юрагини кемираётган теран сирни очганда, ундаги иккиланиш тарқаган эди. У қиз Худо томонидан юборилганига ишонган ва агар ихтиёр унда бўлганда эди, қизни дарҳол буюк топшириқни бажаришга юборган бўлар эди. Бироқ, у ўзи мустақил фаолият юритолмасди. Тремуиль ва реймслик “ҳазрати тулки” уни яхши билишарди. Улар нима дейишса, шу бўлади, ва улар шундай дедилар: – Ҳазрати олийлари, Сиз қизнинг овозлари сиз ва



фақат Худога аён бўлган сирни айтишди, деяпсиз, аммо унинг Худоси шайтон эмаслигини сиз қаердан биласиз – у шайтон хабарчиси эмасми?) .

Ровий нутқидаги тасвирда шахзода сўзловчининг онгида ҳаракатланмоқдаки, бу, аввало, роман ички оламининг барча унсурлари персонаж характери ичкаридан очиб беришга йўналмоқда, иккинчидан, эса мазкур персонажлар руҳияти, ҳаёлида дофин орқали Жаннага қарши кураш нияти мавжуд. Натижада кўз ўнгимизда образларнинг зимдан психологик кураши намоён бўлмоқда. Бу ерда икки курашувчи томонларни боғлаб турувчи бўлажак қирол руҳияти бўш ва кучсизлиги иккала томонга ҳам маълум бўлиб, ҳар икки томон ҳам шахзода руҳига, унинг ички кучига таъсир ўтказишга ҳаракат қилишган. Тасвирланаётган образнинг ички оламидаги иккиланиш, унинг воқеликни теран англамаслиги ва қатъиятсизлиги орқали ёзувчи воқеликка ўзининг муносабатини ҳам билдирган. Бу ерга у гарчи холис, воқеалар жараёнига аралашмаётгандек туюлса-да, охир оқибат мазкур бетарафликни баён қилишдан мақсади кўринади. Бу ўта мураккаб, психологик жиҳатдан қалтис вазиятда қўлланиладиган нозик усул бўлиб, аслида ёзувчи Жаннага ўтказилган босим, унинг руҳиятига таъсирни кўрсатмоқчи. Чунки оддий деҳқон қизига қарши чиққан рақиблар кичик одамлар эмас, тажрибали, билимли, жамиятнинг йирик зодагонлари ва диний арбоблари ҳисобланади. Зеро, уларнинг бир риторик мурожаат ва иккита сўроқлари замирида персонажлар руҳияти, яширин ниятини ошкор қилувчи ички нутқи, қаҳрамонлар ҳаёлининг функциясини кузатиш мумкин. Улар бири руҳоний бўлгани ҳолда Худо номидан айтилган гапга қарши чиқиш орқали ўзининг тилидаги гапи ва асл мақсадида фарқ борлигини, аслида унинг руҳониятида аллақачон бузилиш юз бериб бўлганини ўзи англамаган ҳолда ошкор этиб қўяди.

Бундан ташқари бу парча диалогик нутқнинг бир қисми бўлиб, ровий уни ўз субъектив идроки орқали баён этишида онг оқимининг воситали шакли кўринади. Яъни, у персонажларнинг онгидаги асосий мақсад персонаж восита орқали иккинчи



томонга йўналтирилган. Лекин буни Жанна эшитмайди, аммо сезади. Асарда Жанна тасвири ҳам персонажларнинг рухий-субъектив муносабати орқали кўрсатилган. Натижада икки ўртадаги психологик зиддиятнинг очик кўриниши икки томоннинг шахзодага бўлган муносабати ва турли мимикалари, психологик воситалар орқали тасвирланган психологик белгилар сифатида юзага чиқади.

Ёзувчи Жанна д'Аркни тасвирлар экан, унинг ҳар бир ҳаракати, ташқи белгилари ёки монологи, диалоги ёрдамида унинг ички оламини теран ва бутун тафсилотлари билан акс эттиришга ҳаракат қилади. Зеро, “психологизм ... қаҳрамонлар ички оламини теран ва тафсилотлар асосидаги тасвири: уларнинг асар эстетик олами қирраларини ташкил этувчи фикрлари, истаклари, кечинмалари” ҳисобланади. Ёзувчи персонажлар руҳиятидаги, аниқроқ айтганда кафиятидаги ўзгаришларнинг пайдо бўлиши, кўтарилиши ва йўқолиши, кечинмалар, романда ўзи бевосита қатнашаётган воқеа, вазият, суҳбат жараёнидаги онгли фаолияти, нутқ мазмуни ва нутқ ирод қилаётганда ҳаёлидаги мулоҳазалар барчаси роман матнининг субъектив қисмлари бўлиб, улар ёрдамида у ёки бу қаҳрамоннинг ички оламидаги жараён бадиий ифодаланади. Бу ифода ровий ёки муаллифнинг етакчи ижодий концепцияси қандай эканлигидан қатъий назар тарихий асосларга таянган ҳолда мавжуд бўлади ва романда ўсиб, ўзгариб бораверади. Чунки ҳар бир ташқи белги у ёки бу персонажнинг ички оламидан хабар берар экан, улар роман умумий композициясидаги ўз мантиқларидан келиб чиқиб ҳаракат қилишади. Натижада персонаж характери, индивидуал психологик қиёфаси юзага келади. Масалан, Жаннанинг илк бор судда Паладинга турмушга чиқмаслиги ҳақидаги масаласи кўрилганда, судья бу “ғалати”, “ғайритабиий қиз” экан, дея қарорга келишида қизнинг индивидуал қиёфасига баҳо берилган. Ёхуд Жанна жанг қилиш отлангани ва Яратган томонидан унга алоҳида вазифа юкланганини биринчи бор очик баён этганда ҳам одамлар унинг психологик жиҳатдан ўзгачалигини билишган. Мазкур ўзгачалик



аслида ўша пайтдаги кишилар дунёқараши, турмуш тарзига нисбатан олинганда шундай деб кўрсатилган.

Романнинг иккинчи ва учинчи қисмидаги тасвир диққат билан текширилганда қирол Карль VII фаолияти, характери ҳам Жанна д'Арк образининг сюжет бўйлаб ҳаракатланишига туртки бўлганини кузатиш мумкин. Бу эса аслида ёзувчининг бош мақсади давлат раҳбарининг фикрлаш тарзи, идроки, онгини тарихий воқеанинг бадий ифодаси ва персонажлар тизимини шакллантиришдаги ўринини кўрсатиш бўлган деган хулосага олиб келади. Тўғри тасвир марказида асосан Жанна образи турган бўлса-да, унинг асосий ҳаракатлари, масалан унинг Шинонда давлат расмийлари қаторида ибодат қилиши, епископлар кенгаши томонидан саволларга тутилиши, кейинчалик эса Пуатье университетидаги диний уламолар катта йиғилишида дилни хира қиладиган давомли сўроқ-саволлар ортида жамиятнинг маънан қашшоқлиги, бирор мард киши чиқиб одамларнинг миллий ғурурини уйғотишга чоғи етмаслигини, сарой аъёнлари, диний арбоблар мамлакатни қутқариш ўрнига кераксиз ишлар билан машғуллигини кўрсатиш бўлган. Аслида епископлар баённомада қайд этишганидек, “кичкинагина чўпон қиз”, “камгап қизалоқ” миллий ғурур, ор-номус, миллий қадрият ва энг муҳими шахс озодлигини мамлакат мустақиллигида кўра билган теран фикрли шахс эди, холос. Лекин соғлом фикрга эга, орзу-ҳаваси юрт озодлигидан бошқа нарса бўлмаган буюк фазилат эгасини бидъат ва хурофотга ботган дин вакиллари, худбин аъёнлар ва ночорлиги тан олиб енгилган кишилар чоҳга томон судрашарди.

Романда воқеалар персонаж тилидан баён қилинган ички нутқ шакли бўлиб, унинг ортида ровий, яъни Луи де Конт деган тўқима образнинг психологик фаолияти, муаллифнинг Жанна д'Аркка нисбатан шаклланган муҳаббати фаолияти етакчилик қиладди. Бу ровий нутқи матнидаги ички мазмун бўлиб, у Жанна тилидан янграйди: “I don't know A from B; but I know this: that I am come by command of the Lord of Heaven



to deliver Orleans from the English power and crown the King of Rheims, and the matters ye are puttering over are of no consequence!". (Мен А дан Б ни фарқлолмадим, бироқ шуни биламанки, мен бу ерга Осмон Ҳукмдорининг буйруғи билан Орлеанни инглизлардан кутқариш ва Реймсда қиролга тож кийдириш учун келдим, сизлар эса бекорчилик билан бандсизлар). Мазкур нутқда Жаннанинг руҳан чарчагани ва асосий иши қолиб, уни турли иғво ва тухматларга ботиришаётгани, ватан ҳимояси учун ҳеч ким ҳеч нарса қилмаётганидан эзлиши акс этган. Ровий тилидан чиққан ва Жаннага нисбат берилган ушбу монолог сюжет линиясидаги тарихий воқеликнинг аниқ ифодасини, образ характерининг ичидан очилишини таъминлаган ўринлардан бири ҳисобланади. Зеро, "ички монологнинг ривоя шахсларига муносабати ҳам ўзига хосдир. Маълумки, ривоя учала шахсда ҳам олиб борилаверади. Анъанавий адабиётда ривоя учинчи шахсда олиб борилганда автор қаҳрамондан узоқлашади, онг оқими ифодасида эса бундай ҳол юз бермайди, аксинча, шундай яқинлик вужудга келадики, муаллиф қаҳрамон онг оқимига сингиб йўқолиб кетади, китобхон қаҳрамон онг оқими билан ёлғиз қолади, фақат унинг ҳаракатларини кузатаверади". Шунинг учун ровий Жанна образини тасвирлар экан, унинг турли ҳаракати, ташқи кўриниши, характери динамикасида турли психолингвистик ва психофизиологик воситаларни қўллайди. Натижада Жанна образининг психологик эволюцияси намоён бўлади. Буни биринчи ва иккинчи қисмдаги Жанна образларини ўзаро солиштириш орқали аниқроқ кўриш мумкин. Биринчи қисмдаги Жанна содда, самимий, афсона, миф ва ривоятларга ишонувчан, яратганнинг марҳаматини умид қилиб яшайдиган романтик кайфиятли қиздек таассурот қолдирса, биринчи қисм охири ва иккинчи қисмнинг биринчи ва саккизинчи бобларида Жанна руҳияти тубдан ўзгаради. У одамлар эътиборига тушади, оддий одамлар Жанна қаерга борса унинг ортидан эргашиди. Франциянинг буюк халоскори билан суҳбатлашгилари, уни узоқдан бўлса-да, кўргилари ва унга нимадир бергилари келаверади. Ҳатто, Жаннанинг ортидан бутун



Франция бўйлаб кўнгиллилар кўшини шакллана бошланганда ҳам бўлажак қирол унитан олишга иккиланиб туради. Ана шу кунларда қизнинг характерида қатъият, шиддат ва интилиш кучайиб, олдингидан ҳам кўпроқ меҳнат қилар, ўйлар, одамларнинг турли саволларига жавоб қайтарар, софдил зодагонларнинг эътиборини қозониб, уларда катта таассурот қолдиришга эришар эди. Бироқ у олам ва одам муносабатида мукаммал бўлмасин, одам ва жамият, одам ва одам муносабатида самимий, содда, ижтимоий жиҳатдан айнамаган софдил қиз эканлиги ҳасадчилар ва душманларнинг ғашини келтирарди. Жанна д'Арк эса ватан ва тарих олдидаги бурчини бажариш учун барча масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда кишиларнинг биродарлигини амалда исботлашга ва оғир дамда миллат маънавий маданиятининг етакчиси бўлиши керак бўлган худбин кимсаларнинг асл қиёфасидан уялади. Турли манбаларни биладиган, катта олимлардан цитаталар олиб, қизнинг содда ва аниқ фалсафасига қарши бормоқчи бўлган қатор уламолар олдида Жанна ўз ички оламини имкон қадар ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Бу аввало, унинг индамаслигида кўринади. Чунки сукут ҳам аниқ психологик восита сифатида биринчи ўринда Жаннани бошқалар тушунмайдиган тушунчаларини ифодалаб, яна англашилмовчилик келиб чиқмаслигини таъминласа, иккинчидан, асосий мақсади четда қолиб бўлмағур майда гаплар билан банд бўлгани учун ичдан келаётган норозилик туғёнини босишга уринади. Бу билан Жанна янгиланаётган давр одами сифатида худбин кимсалар ва эскирган талаб асосида Францияни қутқармоқчи бўлган кишиларни инкор этади. Гўё Жанна барча замонларнинг юксак ахлоқли кишиси сифатида ўзига хос оламга эга бўлади.

Ёзувчи романдаги психологик вазиятни шундай ташкил этганки, Жанна д'Аркнинг ҳар бир ютуғи ортида катта руҳий қувват, ҳаракат ва самимийлик ётибди. Лекин унинг шуҳрати оша борган сари, хиёнат қилувчи, душманлик қилувчилар ҳам ортиб бораверади. Бу эса роман мазмуний структураси моҳиятига табиат ва



жамиятнинг азалий кураши эзгулик ва ёвузлик ғояси сингдириб юборилганини кузатиш мумкин. Бу икки куч ўқ чизик бўлиб бир-бирига гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон ҳамла қилиб роман охиригача боради. Асарнинг ўлмаслигини таъминловчи асосий куч ҳам асардаги драматик, трагедик ҳодисаларнинг кўп эканлигида кўринади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Умутов Х. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 40 (256).
2. Литературная энциклопедия терминов и понятий / Под.ред. А.Н.Николюкина. – Москва: Интелвак, 2001. – стр. 834-835.
3. Жўраев Т. Онг оқими модерн. – Фарғона: Фарғона, 2009. – Б. 104 (204 б.)
4. Muminova Maftuna Alijonovna, Yusupalieva Shakhnoza Khakimjanovna, Sattorova Saodat Tojimatovna. Syntactic functions and patterns of combination of adverbs. – Journal INX-A Multidisciplinary Reer Reviewrd Journal. ISSN No: 2581-4230. VOLUME 7, ISSUE 1, Jan.-2021.p.176-178.
5. Feruza Ikromkhonova, Xabibulla Boymanov, Yoqut Vaxabova, Fayziddin Rakhimov.- The system of images in historical novel (on the example of a novel of ‘Joan of Arc’).